
Полвонлари кўп юрт қудратли бўлур

Кураш - халқаро спорт тури! Бу сўз замирида қанчадан-қанча меҳнат, машаққат ҳамда узоқ тарихимиз мавжуд. Ушбу спорт тури ўзбек халқи билан бирга туғилиб, у билан бирга яшаб келмоқда, десак муболаға бўлмайди.

Қува туманида беш ташаббус доирасида спортнинг кураш тури бўйича ўтказилган Прокурор кубогининг туман босқичи ҳам бўлғуси чемпионлар камолоти йўлида қўйилган муҳим қадам бўлди.

Ёшларни оммавий спорт мусобоқаларига жалб этиш, ёшлар қалбида миллий спорт турига бўлган қизиқишини ошириш мақсадида ташкил этилган мазкур мусобоқада тумандаги ёш спортчилар билан бир қаторда хаваскор спортчи ёшлар ўзаро беллашдилар.

Турли вазн тоифаларида ғолиблик учун олиб борилган мурасасиз курашлардан сўнг ғолиблар аниқланиб, эсдалик совғалари билан тақдирланди.

2023-04-15 11:28:29